

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ,
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

МУРТАЗАЕВА ЗИЁДАХОН БАДРИТДИНОВНА

**МЕНИНГОКОКК ИНФЕКЦИЯСИНИНГ ЗАМОНАВИЙ КЛИНИК-
ЭПИДЕМИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.10 – Юқумли касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Муртазаева Зиёдахон Бадритдиновна

Менингококк инфекциясининг замонавий

клиник-эпидемиологик хусусиятлари..... 3

Муртазаева Зиёдахон Бадритдиновна

Клинико-эпидемиологические особенности

менингококковой инфекции на современном этапе 29

Murtazayeva Ziyodakhon Badritdinovna

Clinical and epidemiological features of

meningococcal infection at the present stage..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 60

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ,
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

МУРТАЗАЕВА ЗИЁДАХОН БАДРИТДИНОВНА

**МЕНИНГОКОКК ИНФЕКЦИЯСИНИНГ ЗАМОНАВИЙ КЛИНИК-
ЭПИДЕМИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.10 – Юқумли касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Олий таълим, фан ва инновациялар хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.3.PhD/Tib1420 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифанинг (www.tma.uz) ҳамда «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Таджиева Нигора Убайдуллаевна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Арипов Орифжон Абдумаликович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Касимова Рано Иброхимовна
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси, Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази хузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмazor тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-25.

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмazor тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-14.

Диссертация автореферати 2024 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2024 йил «_____» _____ даги _____ - рақамли реестр баённомаси).

Л. Н. Тўйчиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Х. Ю. Ахмедова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

Г.А. Ибадова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда етакчи илмий тадқиқот марказларининг маълумотларига кўра, ҳозирги даврда менингококк инфекциясининг (МИ) долзарблиги унинг тўсатдан юзага келиши, оғир кечиши ва ҳамон салбий оқибатлар ҳамда ўлим хавфи юқори бўлган юқумли касаллик эканлиги билан боғлиқдир. ЖССТ экспертларининг маълумотларига кўра, «...МИ билан касалланишнинг кейинги ўсиши 2025 йилдан бошланиши башорат қилинган...»¹ ва бу эпидемик жараённинг касалланишнинг ҳар 8-30 йилда кўтарилиши билан намоён бўлувчи даврийлигига боғлиқдир. Бунда МИ эпидемик жараёни даврий фаоллашувларининг негизда кўзгатувчининг симптомсиз ташувчанлик кўринишида кенг тарқалганлиги, инфекциянинг ҳаво-томчи йўли билан юқиши, кўзгатувчи серогуруҳларининг турли-туманлиги ва миграцион оқимлар ётгани ҳолда, бундай вазият ЖССТ талабларига биноан МИ специфик профилактикаси бўйича муаммоларни кечиктирмай ҳал қилинишини касб этади.

Жаҳонда қатор илмий марказларда МИ турли шаклларининг клиник ва эпидемиологик хусусиятларини аниқлашга қаратилган бир қатор тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада, менингококк инфекциясининг эпидемиологик хусусиятлари ва клиник кўринишларини, уларнинг менингококк серогуруҳларига боғлиқлигини, менингококкларнинг вирулентлиги ва иммуногенлигини асослаш, *N. meningitidis* турли серогуруҳлари келтириб чиқарган менингококк инфекциясининг тарқоқ шаклларини ривожланишини асослаш, МИ патогенетик хусусиятларини, менингококк серогуруҳига боғлиқ равишда клиник-лаборатор фарқларини, нохуш оқибатларининг юзага келишини асослаш, менингококкни генетик ва фенотипик хусусиятларини клиник ва лаборатор белгилари билан ўзаро боғлиқлигини ҳамда МИга қарши вакциналарнинг самарадорлиги ва хавфсизлигини аниқлаш бўйича тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ этиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш бўйича кенг қамровли тадбирлар амалга оширилмоқда, жумладан, юқумли ва юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш»² вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш аҳоли орасида турли юқумли касалликларни ташхислаш ва даволаш жараёнида замонавий технологияларни қўллаш, тиббий хизмат сифатини янги босқичга кўтариш орқали касалликлар

¹ <https://www.who.int/news/item/07-02-2022-executive-board-reviews-progress-in-the-implementation-of-the-global-road-map-on-defeating-meningitis-by-2030>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» ги Фармони

оқибатида юзага келадиган ногиронлик ва ўлим кўрсаткичларини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2022 йил 29 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-215-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдамини аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга боғлиқлиги. Тадқиқот республикада фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишлар VI «Медицина и фармакология» йўналишига мос равишда амалга оширилган.

Муаммонининг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги даврда менингококк инфекциясининг тарқоқ шакллари (МИТШ) кенг тарқалганлиги, клиник кўринишларнинг турли-туманлиги, септик шок туфайли 80% гача юқори леталликка эгаллиги ва касалликдан сўнг ногиронликнинг ривожланиши сабабли энг долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда [Маркова К.В., Скрипченко Е.Ю., 2021]. Тадқиқотлар натижаларига кўра, *N.meningitidis* штамmlарига турлар аро ва тур ичидаги горизонтал генетик алмашинув сабабли узлуксиз ўзгарувчанлик хос бўлиб, бу *N.meningitidis* нинг турли хил клиник кўринишлар ва оқибатларни юзага келтирадиган янги вирулент ва/ёки эпидемик хавфли клонларнинг пайдо бўлишига имконият яратади [Глазкова, С.Э., 2011; Fitzgerald, D., 2019]. Адабиётларга кўра, 90% дан ортиқ ҳолатларда одамда МИТШни А, В, С, W, Y, X серогуруҳларга мансуб бўлган менингококклар келтириб чиқаради [Ртищев, А.Ю. ва б.қ., 2017; Скрипченко Е.Ю. ва б.қ., 2015; Halperin, S.A., 2012; J. Lucidarme, D.M. Hill, H.V. Bratcher et al.; 2015]. Шунингдек, мультилокус секвенирлаш-типини аниқлаш (МЛСТ) усули орқали *N.meningitidis* штамmlарини антиген ва генетик хусусиятларига қараб сиквенс-турлари ва клонал комплексларга бирлаштириш мумкинлиги аниқланган. Адабиётларга кўра ss11 клонал комплексли *N.meningitidis* гиперинвазив хусусиятга эга бўлиб, улар учун касалланиш ва ўлим кўрсаткичларининг юқори бўлиши ҳамда кўзгалиш ва эпидемиялар келтириб чиқариш қобилияти хос. Ҳозирги кунга келиб, ss11 га мансуб менингококклар С (*NmC*), *NmW*, камроқ *NmB* ёки *NmY* серогуруҳдаги *N.meningitidis* ларни экспрессиялаши мумкинлиги аниқланган [P. Křizová, M. Honskus, Z. Okonji et al., 2015; M.J. Whaley, S.J. Joseph, A.C. Retchless et al., 2018].

Ўзбекистонда миграцион жараёнларнинг тезлиги ва МИ кенг тарқалганлигини ҳисобга олган ҳолда МИ янги кўзғалиш ўчоқларининг пайдо бўлиш хавфи юзага келиб турмоқда. Даминов Т.А., Туйчиев Л.Н., Таджиева Н.У. ва б.қ., таҳлилларига кўра, охириги йилларда МИ атипик кечиш ҳолатлари учраб туриши тўғрисида маълумотлар пайдо бўлмоқда. МИ тарқоқ шакллариининг клиник хилма-хиллиги, касалликнинг дастлабки соатларида ўзига хос белгиларининг йўқлиги эрта ташҳисотни қийинлаштиради ва бу бир қатор ҳолларда шифохонага кеч мурожаат қилиш, асоратларнинг юзага чиқиши ва жонлантириш чораларининг самарасизлигига сабаб бўлади. Аммо касалликнинг ўткир ва баъзан яшин тезлигида кечишига қарамай кўпинча МИ замонавий клиник-эпидемиологик хусусиятларини билиш инфекцияни ўз вақтида ташҳислаш, шошилини чораларни тўғри тайинлаш ва шу орқали нохуш оқибатлар хавфини камайтиришга имкон беради [Ходжаев Ш.Х., Соколова И.А., 1978; Касимова Р.И., Мусабаев Э.И., 2002; Даминов Т.А. ва ҳаммуал., 2020]. Муаллифларнинг маълумотларига кўра, охириги йилларда *N.meningitidis* нинг айрим серогуруҳлари келтириб чиқарадиган МИТШда ўзига хос бўлган клиник белгилар билан кечиши ўрганилган. *N.meningitidis*W135 келтириб чиқарган касалликлар учун паренхиматоз аъзоларнинг микроциркулятор тизимидаги қон томирлар деворларининг экссудатив-некротик ўзгаришларини ўзига хослиги ҳамда некротик ва йирингли-некротик яллиғланиш ўчоқларининг шаклланишини устун бўлиши, айна вақтда бошқа серогуруҳлар келтириб чиқарган касалликларда эса, геморрагик яллиғланиш устунлик қилиши тавсифланган (Даминов Т.А. ва ҳаммуал., 2020).

Шунингдек, МИ қўшилган (комбинацияланган) шакллари билан касалланиб ўтган реконвалесцентларда ногиронликка олиб келувчи оғир резидуал оқибатлар: нейросенсор гаранглик ва резидуал энцефалопатия ривожланиши мумкинлиги қайд этилган.

МИ бўйича маълумотлар етарли бўлмагани, мазкур муаммо бўйича тадқиқотларни давом эттириш зарурлигини кўрсатмоқда. Шу сабабли МИ эрта ташҳисоти, эпидемик хусусиятларини, кўзгатувчининг табиатини аниқлаш, касалликни олдини олиш ва даволашнинг самарали чоратadbирларини ишлаб чиқиш замонавий инфектологиянинг долзарб муаммоларидан биридир.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Илмий тадқиқот Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази Антимикроб резистентлик марказининг «Микробларга қарши препаратларга чидамликни эпидемиологик назорати учун стандарт ташҳисотни қўлланилишининг асосланганлиги» номли амалий лойиҳа доирасида бажарилган (2019-2021 йй).

Тадқиқотнинг мақсади менингококк инфекциясининг замонавий клиник-эпидемиологик хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

менингококк инфекцияси билан касалланишни эпидемиологик жихатларини аниқлаш;

менингококк инфекцияси тарқалган шаклларини клиник-лаборатор хусусиятларини *N.meningitidis* серогуруҳларга кўра аниқлаш;

менингококк инфекцияси тарқалган шаклларида қон ва ликвордан бактериологик усулда *N.meningitidis* ажратиб олишда икки фазали муҳитларнинг ўрнини асослаш;

беморлардан ажратилган *N.meningitidis* серогуруҳига боғлиқ равишда, менингококк инфекциясининг клиник-лаборатор хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда менингококк инфекциясини тарқалган шаклини эрта ташҳисотининг алгоритмини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2018-2020 йилларда 1-сон Тошкент шаҳар юқумли клиник шифохонасининг жонлантириш ва интенсив терапия бўлимига «менингококк инфекция» ташҳиси билан ётқизилган 118 нафар беморнинг клиник-лаборатор ва эпидемиологик маълумотлари олинди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида қон, ликвор, ҳалқум-димокдан олинган суртма, қон ва ликвордан ажратиб олинган 118 та *N.meningitidis* штамлари.

Тадқиқотнинг усуллари. Белгиланган вазифаларни бажариш учун эпидемиологик (ретроспектив ва оператив таҳлил), клиник ва лаборатор текширув усуллари, бактериологик (баканализатор, икки фазали озуқа муҳитларида гемокультурадан ажратиб олинган микроорганизмларни Е-тест усулда микробларга қарши сезувчанлигини аниқлаш), патогенларни серогуруҳга мансублигини аниқлаш (латекс агглютинация реакцияси) ва статистик (Студент мезони ва P-value ҳисоблаш) тадқиқот усуллари қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

1 ёшгача бўлган болаларнинг менингококк инфекцияси билан касалланишнинг ортиши ҳудудларда касалланиш даражасини ошишига салбий прогностик мезон бўлиб ҳисобланиши исботланган;

NmA серогуруҳи 97,4% ($p>0,001$) ҳолатларда ажратиб олиниб, менингококк инфекциясининг ўрта оғир, оғир ва ўта оғир шаклларида бир хил учраши исботланган;

менингококк инфекциясининг тарқоқ шакли билан касалланган беморларнинг 94,1% да касаллик асоратлар билан кечиши, 6,8% ҳолатда ўлим ҳолати *NmW*, *NmA*, *NmC* серогуруҳлар сабабли юзага келиши асосланган;

беморлардан ажратиб олинган *N.meningitidis* нинг фторхинолон (31%), макролид (81%) антибиотиклар гуруҳларига ва триметоприм/сульфаметоксазолга (64%) юқори чидамли эканлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

МИТШ оқибатлари менингококкнинг серогуруҳига боғлиқ ҳолда таҳлилида *NmA* келтириб чиқарган МИ тўлиқ соғайиш билан яқунланганлиги (72,1±0,80%), *NmA*, *NmC* келтириб чиқарган МИ нотўлиқ соғайиш билан (20,7±0,43%), *NmA*, *NmC*, *NmW135* келтириб чиқарган МИ леталлик билан (7,2±0,25%) яқунланганлиги асосланган;

менингококк инфекциясининг 2024 йилда (тахминан 31 ҳолат), 2037 йилда (тахминан 29 ҳолат), 2042 йилда (тахминан 25 ҳолат) ва 2054 йилдан 2057 йилгача тахминан 21 ҳолатдан 52 ҳолатгача касалликни кўтарилиши исботланган;

N.meningitidis серогуруҳларининг аниқланиши ва менингококк инфекциясининг эпидемик кўтарилишини башоратлаш, зарарланиш хавфи эҳтимоли мавжуд бўлган аҳоли гуруҳларига МИГа қарши поливалент конъюгацияланган вакциналар ёки *NmA* серогуруҳини сақловчи вакциналарни қўллашни тавсия қилинган;

бактериологик анализаторида инкубация қилиш, икки фазали муҳитларни қўллаш қисқа муддатда *N.meningitidis* културасини ажратиб олиш имконини яратди, бактериологик усулнинг самарадорлигини оширди ҳамда таҳлил натижаларини етказиб бериш муддатини қисқартириб, ўз вақтида антибактериал даволашни тайинлаш билан бирга касалликнинг салбий оқибатларини камайтирган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда услубий жиҳатдан тўғри назарий ёндашувлар ва усуллардан фойдаланилганлиги, беморларнинг етарли сони, қўлланилган бактериологик, серологик, статистик таҳлил усуллари, олинган маълумотларга дастурий ёндашув асосида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот давомида олинган тадқиқот натижаларнинг ваколатли тузилмалари томонидан тасдиқлангани билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти этиотроп терапияни танлаш мақсадида менингококк инфекциясининг кўзгатувчисини ажратиб олиш ва *Nm* серогуруҳини аниқлаш орқали эрта ташхисотнинг имконини яратиши, *N.meningitidis* антибиотикларга резистент штамmlарини пайдо бўлишини ҳамда *N.meningitidis* серогуруҳининг мониторингини амалга ошириш имкони яратилаганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти МИнинг бактериологик усулда кўзгатувчисинини қон ва ликвордан ажратиш мақсадида автоматик анализаторида инкубация қилиш учун икки фазали муҳитларни қўллаш қисқа муддатда *N.meningitidis* културасини эрта аниқлаш, бактериологик усулнинг самарадорлигини оширгани ҳамда таҳлил натижаларини етказиб бериш муддатини қисқартириб, ўз вақтида рационал антибактериал даволашни тайинлаш билан бирга касалликнинг летал оқибатларини камайтиришга ёрдам бергани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2024 йил 25 сентябрдаги 06/61-сонли йиғилиш баённомасига асосан:

биринчи илмий янгилик: 1 ёшгача бўлган болаларнинг менингококк инфекцияси билан касалланишнинг ортиши ҳудудларда касалланиш даражасини ошишига салбий прогностик мезон бўлиб ҳисобланиши исботланганлиги бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни

сақлаш вазирлигининг 2022 йил 14 декабр 8н-р/1496-сон билан тасдиқланган «Менингококк инфекциясининг ташхисот алгоритми» номли услубий тавсиянома мазмунига киритилган. Мазкур тавсиянома Андижон вилояти юқумли касалликлар шифохонасининг 22.12.2022 йилдаги 464-сон ва Самарқанд вилояти юқумли касалликлар шифохонасининг 22.02.2023 йилдаги 4-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 25 сентябрдаги 06/61-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* менингококк инфекциясини эрта аниқлаш касалликнинг болалар ва катталар орасида ўз вақтида касалликни даволаш, оғир асоратлар ва ўлим ҳолатларини олдин олиш имконини беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* менингококк инфекциясини эрта ташхислаш, эпидемиологик назоратни олиб бориш хисобига самарали вакциналардан фойдаланиш касалликнинг кескин камайиши, спорадик ҳолатларни олдини олиш ҳамда касалликдан кейинги ривожланадиган ўлим ва ногиронликга сарфланадиган бюджет маблағларини иқтисод қилишга имкон яратади;

иккинчи илмий янгилик: *NmA* серогуруҳи 97,4% ($p > 0,001$) ҳолатларда ажратиб олиниб, менингококк инфекциясининг ўрта оғир, оғир ва ўта оғир шаклларида бир хил учраши исботланганлиги бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 14 декабр 8н-р/1496-сон билан тасдиқланган «Менингококк инфекциясининг ташхисот алгоритми» номли услубий тавсиянома мазмунига киритилган. Мазкур тавсиянома Андижон вилояти юқумли касалликлар шифохонасининг 22.12.2022 йилдаги 464-сон ва Самарқанд вилояти юқумли касалликлар шифохонасининг 22.02.2023 йилдаги 4-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 25 сентябрдаги 06/61-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* менингококк инфекциясининг қўзғатувчиси *N.meningitidis*нинг серогуруҳларини аниқлаш республикада касалликнинг олдини олиш учун махсус вакциналарни танлаш ва вакцинопрофилактика тадбирларини тўғри асосланган ҳолда ташкил этишга имкон беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* менингококк инфекциясини катталар ва болалар орасида махсус вакциналар ёрдамида олдини олишни амалга ошириш касалликнинг кескин камайиши, спорадик ҳолатларни олдини олиш ҳамда касалликдан кейинги ривожланадиган ўлим ва ногиронликга сарфланадиган бюджет маблағларини иқтисод қилишга имкон яратади;

учинчи илмий янгилик: менингококк инфекциясининг тарқоқ шакли билан касалланган беморларнинг 94,1% да касаллик асоратлар билан кечиши, 6,8% ҳолатда ўлим ҳолати *NmW*, *NmA*, *NmC* серогуруҳлар сабабли юзага келиши асосланганлиги бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 14 декабр 8н-р/1496-сон билан тасдиқланган «Менингококк инфекциясининг ташхисот алгоритми» номли услубий тавсиянома мазмунига киритилган. Мазкур тавсиянома Андижон вилояти юқумли касалликлар шифохонасининг 22.12.2022 йилдаги 464-сон ва Самарқанд вилояти юқумли касалликлар шифохонасининг 22.02.2023 йилдаги

4-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 25 сентябрдаги 06/61-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* менингококк инфекциясининг эрта аниқлашда, касаллик қўзғатувчисини бактериологик усулда аниқлаш, антимикроб воситаларга сезувчанликни аниқлаш касалликни болалар ва катталар орасида ўз вақтида этиотроп давосини амалга ошириш, оғир асоратлар ва ўлим ҳолатларини олдин олиш ҳамда касалликни олдини олиш имконини беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* менингококк инфекциясини эрта ташхислаш, эпидемиологик назоратни олиб бориш хисобига самарали вакциналардан фойдаланиш касалликнинг кескин камайиши, спорадик ҳолатларни олдини олиш ҳамда касалликдан кейинги ривожланадиган ўлим ва ногиронликга сарфланадиган бюджет маблағларини иқтисод қилишга имкон яратади;

тўртинчи илмий янгилик: беморлардан ажратиб олинган *N.meningitidis* нинг фторхинолон (31%), макролид (81%) антибиотиклар гуруҳларига ва триметоприм/сульфаметоксазолга (64%) юқори чидамли эканлигининг асосланганлиги бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 14 декабр 8н-р/1496-сон билан тасдиқланган «Менингококк инфекциясининг ташхисот алгоритми» номли услубий тавсиянома мазмунига киритилган. Мазкур тавсиянома Андижон вилояти юқумли касалликлар шифохонасининг 22.12.2022 йилдаги 464-сон ва Самарқанд вилояти юқумли касалликлар шифохонасининг 22.02.2023 йилдаги 4-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 25 сентябрдаги 06/61-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* менингококк инфекциясини қўзғатувчисини эрта аниқлаш, *N.meningitidis* штамmlарини антимикроб дори воситаларига сезгирлигини текшириш, беморларни даволашда эмпирик антибиотикотерапияни тоғри танлаш, қўзғатувчига нисбатан чидамлилик ривожланишини олдини олиш, оғир асоратлар ва ўлим ҳолатларини камайтириш имконини беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* менингококк инфекциясини даволашда беморлардан ажратилган *N.meningitidis* штамmlарига аниқланган сезгирлиги юқори бўлган антимикроб дори воситаларни қўллаш касалликни химиофилактикасини самарали амалга ошириш, даволашда рационал антибиотикотерапияни ташки этиш, ривожланиши мумкин бўлган асоратлар, ўлим ва ногиронликга сарфланадиган бюджет маблағларини иқтисод қилишга имкон яратади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманда, шу жумладан 3 та халқаро ва 2 та республика миқёсидаги илмий-анжуманларда ва семинарларда муҳокама қилинди.

Тадқиқот натижаларини чоп этилиши. Диссертация мавзуси бўйича 12 илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика, 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурлиги асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети, тадқиқотнинг республика фан ва технологиясини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини Соғлиқни сақлаш амалиётига татбиқ этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши тўғрисида маълумот берилган.

Диссертациянинг «**Менингококк инфекцияси тўғрисидаги замонавий тасаввурлар (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида, муаммонинг ҳолати ҳақидаги замонавий қарашларни ақс эттирувчи хорижий ва маҳаллий адабиётларнинг батафсил таҳлили ўтказилган. *N. meningitidis* нинг клиник штампларининг серогуруҳли таркиби, менингококк инфекцияси билан касалланишни эпидемиологик хусусиятлари, менингококк инфекцияни тарқоқ шакллари эпидемиологик жиҳатларининг аҳамияти, касалликнинг клиник ва диагностик хусусиятлари тўғрисидаги маълумотлар таҳлил қилинган ҳамда менингококк инфекциясини махсус профилактикасига ёндошувлар ақс эттирилган.


Диссертациянинг «**Менингококк инфекциясининг замонавий клиник-эпидемиологик хусусиятларини аниқлашда қўлланилган материаллар ва усуллар**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот дизайни тақдим этилган, материаллар ва тадқиқот усуллари берилган. Тадқиқот усулларининг етарли ҳажми ва тўғрилиги, алоҳида гуруҳлар ва уларга мос келадиган таққослаш гуруҳларини шакллантириш тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган. Қўлланилган умумий клиник, лаборатория, инструментал, бактериологик, серологик ва статистик тадқиқот усуллари келтирилган. Ушбу тадқиқот 1-сонли Тошкент шаҳар юқумли касалликлар шифохонасида, Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт марказида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг объекти сифатида СЭО ва ЖС кўмитасининг эпидемиология бўлим МИ бўйича касалланиш тўғрисидаги статистик маълумотлари (1990-2020), 2018-2020 йилларда Шаҳар юқумли клиник шифохонасининг ржонлантириш ва интенсив терапия бўлимига «менингококк инфекция» ташҳиси билан ётқизилган 118 нафар беморнинг клиник ва эпидемиологик маълумотлари олинди. Тадқиқотнинг предмети қон, ликвор, ҳалқум-димокдан олинган суртма, қон ва ликвордан ажратиб олинган 118 та *N.meningitidis* штамми. Тадқиқотнинг усуллари сифатида белгиланган вазифаларни бажариш учун эпидемиологик (ретроспектив ва оператив таҳлил), клиник ва лаборатор текширув усуллари, бактериологик (баканализатор, икки фазали озуқа муҳитларида гемокультурадан ажратиб

олинган микроорганизмларни Е тест усулда микробларга қарши сезувчанлигини аниқлаш), патогенларни серогуруҳга мансублигини аниқлаш (латекс агглютинация реакцияси) ва статистик (Стюдента мезони ва P-value ҳисоблаш) тадқиқот усуллари қўлланилди.

Диссертациянинг «Ўтказилган тадқиқот натижалари. Менингококк инфекциясининг эпидемиологик хусусиятлари» деб номланган учинчи бобида Менингококк инфекциясининг тарқалганлик даражасини баҳолаш учун Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида 1990-2020 йилларда менингококк инфекцияси билан касалланишнинг интенсив кўрсаткичларни ретроспектив таҳлилида МИ билан касалланишнинг нотекис эканлиги аниқланган. Республикада жами аҳоли орасида менингококк инфекцияси билан касалланишнинг ўртача кўп йиллик кўрсаткичлари йилига 6 ҳолатдан (2018 йилда) 149 ҳолатгача (2019 йил) ўзгариб турган. Бунда интенсив кўрсаткич 0,4 дан ошмаган. Республикада МИ аниқланишининг йиллик абсолют кўрсаткичлари 1997 йили 219 ва 2001 йилда 250 бўлгани ҳолда, нисбатан юқори йиллик интенсив кўрсаткич мос равишда 0,93 ва 1,0 бўлган.

Ўтказилган тадқиқотларнинг солиштирма таҳлили 1997 йилдан 2001 йилгача мамлакатда МИ билан касалланиш 100 минг аҳолига 0,3 – 0,2 дан ошмаганини кўрсатди, аммо 2019 йил январ ойидан бошлаб, касалланишнинг кескин ортгани аниқланган: МИТШ билан зарарланишнинг 149 ҳолати қайд қилинган (1-расм).



1-расм. Республикада менингококк инфекцияси бўйича эпидемиологик ҳолат (1990-2022йй. 100минг аҳолига инт.кўрс.)


Кўриб чиқилган давр ичида (1990-2022 йиллар) республика ҳудудларидаги касалланиш ҳолатларининг таҳлили Тошкент шаҳри ва вилоятида беморларнинг катта қисмини болалар ташкил қилганини кўрсатди.

Касалланишнинг бутун Республикада 2020 йилдаги кейинги пасайиши (7 ҳолат) (бунда барча касалланганлар Тошкент шаҳрида яшовчилар бўлган), Тошкент вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида МИ рўйхатга олинмаганлиги, COVID-19 га доир карантин чоралари ва ниқоб тақиш тартибига риоя қилиш билан боғлиқ бўлиши мумкин, аммо касалланиш

кўрсаткичининг эгри чизигининг касалликни ўсишга мойиллиги сақланиб қолганлигини кўрсатади.

МИ билан касалланишнинг ўсиш даври таҳлил қилинганида умумреспублика динамикасига нисбатан касалланишнинг ўсиши асосан Тошкент шаҳрида беморлар сонининг кўпайиши ҳисобига юз бериши аниқланди.


2019 йилдаги МИ билан касалланишнинг таҳлили беморларнинг кўп қисми март ойида шифохонага ётқизилганини кўрсатди (46; 40,4%). Январда МИ якка ҳолатлари қайд этилди (8; 7,02%), феврал ойида эса 3 баробар кўп беморлар аниқланди (27; 23,7%) (2. расм). Тиббий хизмат учун мурожаат қилганлар Тошкент шаҳрида яшовчи Ўзбекистон фуқаролари бўлиб, бир кун аввал кўшни мамлакатлардан (жумладан, Россиядан), баъзан касаллик аломатлари билан келгани маълум бўлди.



2-расм. МИ билан касалланган беморларнинг шифохонага ётқизилиш ойлари бўйича тақсимланиши (%)

Феврал охири ва март ойида касалланганларнинг сони мулоқотда бўлган шахслар орасида ҳам кескин кўпайди. Май ойдан бошлаб шифохонага ётқизилишлар сони камайган бўлиб, эҳтимол бу ҳолат санитария-эпидемиологик хизматнинг тезкор жавоби, профилактик ва эпидемияга қарши ишларнинг жадал олиб борилиши, хусусан, мулоқотдаги шахсларнинг аниқланиши, МИ маҳаллий шакллари билан зарарланганларнинг МИ (назофарингит билан зарарланганлар, $n=2523$) алоҳидаланиши, хавфли гуруҳлар ва мулоқотдаги шахсларнинг ($n=6852$) эмланиши билан боғлиқ бўлди.

МИ касаллигини кейинги йилларда эпидемик кўтарилишини башоратлаш мақсадида TVATS экспоненциал модел ишлатилди. Унда, Ўзбекистонда менингококк инфекцияси билан касалланишнинг кўп йиллик қайд этилишини таҳлил қилиш натижасида бизга TVATS экспоненциал модел орқали МИ касалланишнинг кескин кўтарилиш эҳтимолини башорат қилишга имкон берди. Мазкур модел экспоненциал силлиқлашни қўллаган ҳолда мураккаб кўп сонли мавсумий моделлар билан даврий қаторларни башорат қилади. (Т – Тригонометрик мавсумийлик; В – Бокс-Кокс ўзгариши, А – ARIMA хатолари, Т – Тренд, S – мавсумий компонентлар) (3. расм).




**3-расм. TBATS экспоненциал модел асосида касалланишни башоратлаш
натижалари**

Менингококк инфекциясини TBATS экспоненциал модель бўйича 25 йилга башорат қилганимизда Республикада менингококк инфекциясининг эпидемик кўкўтарилиши 2024 йилда (тахминан 31 ҳолат), 2037 йилда (тахминан 29 ҳолат), 2042 йилда (тахминан 25 ҳолат) ва 2054 йилдан 2057 йилгача тахминан 21 ҳолатдан 52 ҳолатгача юз бериши башорат қилинмоқда.

Хулоса қилинганида, Ўзбекистонда МИ бўйича эпидемиологик вазият эпидемияларо даврнинг хусусиятларига эга бўлиб, ёш бўйича 7-14 ёшли болалар (17,9%) ва 20-29 ёшли (17,9%) катталарнинг улуши кўплиги аниқланди, ҳамда республикада 2024 йилда, 2037 йилда, 2042 йилда, 2054 йилдан 2057 йилгача менингококк инфекцияси билан касалланишнинг эпидемик кўтарилиши башорат қилинмоқда, бу эса МИ олдини олиш чоратдбирларни ўз вақтида амалга оширишни тақозо этади.

Ушбу тадқиқотимизда МИ билан касалланишни 2019 йил январ-май ойларида Тошкент шаҳри 1-сон юқумли касалликлар клиник шифохонасида менингококк инфекцияси тарқоқ шакли (МИТШ) билан даволанган 40 кунликдан 77 ёшгача бўлган 118 беморнинг эпидемиологик маълумотларини тахлили амалга оширилди (4. расм).



4-расм. Менингококк инфекциясини тарқоқ шакли (МИТШ) билан касалланган беморларнинг ёш кесимидаги тахлили (n = 118)


Бунда, МИТШ билан зарарланган беморларни ёш кесимидаги таҳлилига кўра энг юқори даражадаги касалланиш 20-29 ёшли катталар (39,8%) ва 7-14 ёшли болалар (17,9%) орасида бўлганини кўрсатди. Беморлардан 92 (78%) нафари Тошкент шаҳри, қолган 26 (22%) шахс – Ўзбекистоннинг турли вилоятлари фуқаролари эди. 50% дан ортиқ ҳолатларда оила ичидаги мулоқот қайд қилиниб, битта оиладан бир неча фарзанд, баъзан эса ота-оналари билан шифохонага келиб тушганлиги аниқланди.

МИ билан зарарланганларнинг ижтимоий-касбий таркибини ишчи-қурувчилар (27/22,8%), мактаб ўқувчилари (33/27,9%), талабалар (15/12,7%) ва бошқалар ташкил қилди.

МИТШ клиник шакллари орасида аралаш шакли асосий қисми ташкил қилиб, 68 (57,6%) беморда қайд этилди. Бунда барча ёшлар кесимида турли клиник шакллари бир хил даражада учраганини қайд этиш лозим.

Текширилган беморларнинг МИ оқибатларини таҳлил қилинганида касалликнинг нохуш оқибатларига сабаб бўлувчи муҳим омил сифатида беморнинг ёши (1 ёшгача болалар) ҳамда тиббий ёрдам учун кеч мурожаат қилиш қайд этилди. Бунда 63 (53,3%) ҳолатда беморлар касаллик бошланганидан кейин дастлабки 12 соат ичида, 55 (46,7%) ҳолатда – 2-сутка ичида тиббий ёрдам учун мурожаат қилгани аниқланди. Аммо шифохонага ётқизилиш муддатининг таҳлили 52% беморнинг биринчи марта мурожаат қилганида ётқизилганини, 36% да – тез ёрдам бригадасини қайта чақирганида, 12% - қайта-қайта чақирилиб, тез ёрдам ёки умумий амалиёт шифокорлари кўригидан кейингина шифохонага ётқизилганини кўрсатди.

МИТШ билан зарарланган беморлардан ажратиб олинган *N. meningitidis* қайси серогуруҳга мансублиги ва қандай штаммдан иборатлигини аниқлаш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари касалланишнинг ўсиш даври бошланиши билан касалликнинг тасдиқланиш ҳолатларида А серогуруҳга мансуб бўлган *N. meningitidis* асосий кўзгатувчи эканлигини кўрсатди (99,1%) (5. расм).



5-расм. МИТШ билан касалланган беморлардан ажратилган *N. meningitidis* нинг турли серогуруҳлари

Тадқиқотимиз натижалари шуни кўрсатдики, касалланишнинг кўтарилиш даври бошланганидан бери (2019 йил январ ойи) *N. meningitidis* А серогуруҳи етакчи ўринни эгаллаган (97,4%), *N. meningitidis* С серогуруҳи 1,7% бўлган ва бор йўғи битта ҳолатда (0,9%) *N. meningitidis* W135 серогуруҳига хос бўлган менингококк штамми аниқланган. Шуни таъкидлаш лозимки, дунёда охирги ўн йилликда МИ билан касалланиш турғун даражада сақланиб турибди, касалланишнинг вақти-вақти билан кўтарилишлари эса МИТШ чақирувчи қўзғатувчини етакчи серогуруҳининг ўзгариши ва жамоавий иммунитетнинг пасайиши билан боғлиқ деб ҳисобланади. Бунда леталлик юқори даражада (15%гача) сақланиб туради ва бу кўрсаткич ҳам патологик жараённинг оғирлиги, ҳам клиник ташҳисот хатолари, шунингдек беморларни ўз вақтида шифохонага ётқизмаслик ва тегишли комплекс даволашнинг кечикиши билан боғлиқдир. Шу билан бирга МИга бўлган эътибор юқори фаолликдаги миграция, саёхатлар ва зиёратлар ҳисобига дунёда унинг кенг тарқалиши ва шу орқали қўзғатувчининг генетик ўзгарувчанлиги ва муносиб махсус профилактика зарурлигини белгилаб беради.

Диссертациянинг «**Ҳозирги даврда менингококк инфекциясининг клиник тавсифи**» деб номланган тўртинчи бобида Тошкент шаҳри 1-сон юқумли касалликлар клиник шифохонасида менингококк инфекцияси тарқоқ шакли билан касалхонага ётқизилган 118 нафар беморни кузатуви натижалари тасвирланган.

Кузатувдаги беморларнинг ёш кесимидаги таҳлили шуни кўрсатдики, уларнинг энгкичиги 40 кунлик бўлиб, энг каттаси 77 ёшда эди. Тадқиқотга олинган беморларнинг 50 таси (42,4%) 18 ёшли беморлар гуруҳига (ўртача ёши $6,9 \pm 0,6$ ташкил этди), 68 (57,6%) бемор катта ёшлилар гуруҳига тегишли бўлди (ўртача ёши $27,4 \pm 1,3$ ташкил этди). Иккала гуруҳда эркак жинсдаги беморлар кўп бўлди (1. жадвал).

1-жадвал

Беморларнинг жинси ва ёши бўйича тақсимланиши

Ёши/жинси	Жами беморлар		18 ёшгача болалар		Катталар		Тафовут ишончилиги
	м.р.	%, $M \pm m$	м.р.	%, $M \pm m$	м.р.	%, $M \pm m$	
Эркак	86	$72,9 \pm 0,78$	31	$62 \pm 1,11$	55	$80,8 \pm 1,09^*$	$P < 0,05$
Аёл	32	$27,1 \pm 0,48$	19	$38 \pm 0,87$	13	$19,1 \pm 0,53^*$	$P > 0,05$
Жами	118	100	50	$42,37 \pm 0,60$	68	$57,63 \pm 0,87$	$P > 0,05$
Ўртача ёши	$18,7 \pm 1,2$		$6,9 \pm 0,6$		$27,4 \pm 1,3^*$		

Изоҳ * - $P < 0,05$ болалар гуруҳи билан таққосланганида тафовут статистик жиҳатдан ишонarli

Кузатувдаги болаларнинг ёш кесимидаги таҳлили 1 ёшдан 6 ёшгача (44,0%) бўлган ва 7-12 ёшдаги (36,0%) болаларнинг беморлар орасида энг кўп қисмини ташкил этганини кўрсатди. Ушбу касалликнинг катталар орасида учрашини таҳлиliga кўра, катталар орасида беморларнинг энг кўп қисмини 30

ёшгача бўлганлар (80,9%), камроқ қисмини 31-60 ёшлилар (16,2%) ва бор йўғи 2,9% қисмини 60 ёшдан катталар ташкил қилди.

Беморларни кўпроқ бош оғриғи (116;98,3%) безовта қилгани ҳолда катталар бош оғриғига болаларга нисбатан кўпроқ шикоят қилдилар (тегишлича 68; 57,6% ва 48; 40,7%), лоҳас бўлиш (117; 99,2%) аломати ҳам катталарни (68; 57,6%) болаларга (49;41,5%) нисбатан ишонарли даражада кўпроқ безовта қилди ($P<0,05$), кўнгил айниши (112; 94,9%) ва қайт қилиш кузатилиб (108; 91,5%), катталар кўнгил айнишидан (68; 57,6%) болаларга нисбатан (44; 37,3%) 1,5 баробар кўпроқ шикоят қилдилар, қайт қилиш катталарни (64; 54,2%) болаларга нисбатан (44; 37,3%) кўпроқ безовта қилди, шунингдек, 85% дан ортиқ беморларни тошма безовта қилгани ҳолда, катталар ундан (58; 49,2%) болаларга (43; 36,4%) нисбатан кўпроқ шикоят қилдилар ($P<0,05$).

Шифохонага келиб тушганида 55,1% (65) беморлар тана ҳароратининг кўтарилишига шикоят қилдилар, бу симптом болаларни (32;27,1%) ва катталарни (33;28,0%) бирдек безовта қилди, томоқ оғриғи ва йўтал беморларни умумий ҳисобда 57,6% ва 53,4% ҳолларда безовта қилди. Йўтал катталарни ишонарли равишда кўпроқ безовта қилиб, томоқ оғриғи эса аксинча ишонарли даражада камроқ безовта қилди (тегишли равишда 33; 28,0% ва 32; 27,1%, $P<0,05$), болаларда бу ҳолатнинг акси кузатилди (тегишли равишда 30; 25,4% ва 36; 30,5%, $P<0,05$).

Касаллик тарихи аниқланганида, беморларнинг энг кўпи шифохонага касалликнинг 2-куни келиб тушгани маълум бўлди (58; 49,2%). Шунингдек, шифохонага касалликнинг 4-куни (12;10,2%), 6-куни (2;1,7%) ҳамда биттадан ҳолат 7 ва 8 кунлари (0,8%) келиб тушганлар қайд этилди.

Беморлар шифохонага келиб тушгандаги объектив кўрикда 75 (63,6%) беморнинг эс-хуши жойидалиги, 31 (26,3%) бемор сопор ҳолатдалиги ва 12 (10,2%) бемор беҳуш ҳолда келтирилганлиги маълум бўлди. Бунда сопор ва беҳушлик кўринишидаги эс-хушнинг бузилиш ҳолатлари катталар гуруҳида ишонарли даражада кўпроқ аниқланди (тегишли даражада 23;19,5% ва 10; 8,5%). Болалар орасида эс-хушнинг бузилиш ҳолатлари анча кам учради (тегишлича 8; 6,8% ва 2; 1,7%, $P<0,05$).

Касалликнинг оғирлик даражасига кўра болалар ($n=50$) асосан оғир (41; 82,0%) ва ўта оғир ҳолатда эдилар (8;16,0%). Оғир ҳолатдаги болаларнинг кўпчилик қисмини мактаб ва мактабгача таълим муассасаларига қатнайдиган болалар (34;68,0%) ташкил қилди, шу билан бирга ўта оғир ҳолатдаги болалар кўпроқ мактабгача ёшдагилар орасида аниқланди, улардан 6 бола МТМ га қатнамаган ва ёшлари 1 ёшдан 3 ёшгача эди.

Барча болалар жонлантириш ва жадал даволаш бўлимига ётқизиilib, МИ ўта оғир кечиши билан олинган беморлар бу ерда ўртача $1,50\pm 0,60$ кун бўлдилар, бунда ушбу болаларнинг Жонлантириш бўлимида энг кўп ётган куни 6 кунни ташкил қилди. Оғир ҳолатдаги беморлар жонлантириш бўлимида узокроқ ётдилар $3,61\pm 0,47$ ва улар шу бўлимда кўпи билан 12 кун даволандилар.

Ўта оғир ҳолатдаги барча беморлардан 3 тасида шифохонага келиб тушган кунгек ўлим юз берди. Қолган беморларда касаллик соғайиш билан яқунланди.

МИТШ билан зарарланган беморларни касалликнинг оғирлик даражаси ва улардан ажратиб олинган *N.meningitidis* (*Nm*) серогуруҳга мансублиги бўйича тақсимланганида *A(Nm)* серогуруҳи касаллик ўрта оғир, оғир ва ўта оғир кечган беморларда бир хил частотада ажратиб олингани маълум бўлди (2-жадвал).

2-жадвал


Текширилган беморларнинг касалликнинг оғирлик даражасига кўра ва *Nm* серогуруҳ мансублигига кўра тақсимланиши (n=118)

Оғирли даражаси	<i>NmA</i> (n=115)	<i>NmC</i> (n=2)	<i>NmW135</i> (n=1)	Жами Мутл/%
Ўрта оғир	6/5,2	1	–	7/5,9
Оғир	89/77,4	1	–	90/76,3
Ўта оғир	20/17,4	–	1	21/17,8

Катталарнинг ҳаммаси жонлантириш ва жадал даволаш бўлимига ётқизилган, бунда МИ оғир кечган беморлар ўртача $3,43 \pm 0,41$ кун ётган ва кўпи билан 11 кун даволанган, ўта оғир ҳолатдаги беморлар эса жонлантириш бўлимида ўртача $4,38 \pm 1,12$ кун даволанган бўлиб, максимал даволаниш куни 6 кунни ташкил қилган. Ўта оғир ҳолатдаги 5 беморда миянинг шиши, 3-даражали инфекция-токсик қарахтлик ва ДВС синдром оқибатида Exitus letalis юз берди.

Клиник ва лаборатор маълумотлар асосида ўта оғир ҳолатдаги барча беморларга (21; 100%) «менингококкли менингит + менингококкцемия» аралаш шакли ташхисланди, касаллик оғир кечган беморларда (n=90) 68 (75,6%) ҳолатда МИ аралаш шакли, 13 (14,4%) ҳолатда - «менингококкцемия» ва 9 (10,0%) ҳолатда менингит ташхисланди. Касаллик оғир кечган катталарда МИ аралаш шакли болалардагига нисбатан 1,3 баробар кўпроқ учради. Болаларда МИ оғир кечишида (9; 10,0%) «менингококкцемия» ташхиси катталардагига (4; 4,4%) нисбатан кўпроқ ташхисланди. «менингит» ташхиси МИ оғир шакли билан зарарланган болаларда 5 (5,6%) ҳолатда, катталарда эса 4 (4,4%) ҳолатда учради.

МИ оғир шакли билан зарарланган беморларнинг шифохонага келгандаги асосий шикоятларининг учраши таҳлил қилинганда, катталар учун бош оғриғи ва қўнғил айнаши ($54,4 \pm 0,78$), қайт қилиш ($52,2 \pm 0,76$), тиришиш ($14,4 \pm 0,40$ %), баданга тошма тошиши ($46,7 \pm 0,72$ %), лоҳаслик ($54,4 \pm 0,78$ %) болаларга нисбатан (тегишлича $44,4 \pm 0,70$; $41,1 \pm 0,67$; $4,4 \pm 0,22$; $38,9 \pm 0,66$; $44,4 \pm 0,70$ %,) кўпроқ хослиги аниқланди. Болаларда МИ оғир кечганида катталарга нисбатан тана ҳароратининг кўтарилиши (тегишлича $32,2 \pm 0,60$ ва $23,3 \pm 0,51$ %) ҳамда томоқда оғриқ (тегишлича $33,3 \pm 0,61$ ва $25,6 \pm 0,53$ %) кўпроқ учраши кузатилди, йўтал эса, ҳам болаларни, ҳам катталарни бирдек кўп безовта қилди ($27,8 \pm 0,55$ %) (6- расм).



6-расм. Кузатувдаги беморларнинг менингококк инфекциясининг клиник шаклига кўра тақсимланиши (n=118)

МИ объектив симптомларининг учраши таҳлил қилинганида энг кўп учрайдиган аломатлар бу: ишонарли даражада катталар гуруҳида (63; 53,4%) болаларга (44; 37,3%) нисбатан кўп учрайдиган тошмалар (107; 90,7%), бурунлаб учбурчагининг цианози (65; 55,1%), катталарда 2,3 марта кўпроқ учрайди (45; 38,1% катталарда, 20; 16,9% болаларда).

Ҳар иккала гуруҳда – болалар орасида ҳам, катталар орасида ҳам субфебрил иситма бир хил частотада учради (тегишлича 41; 34,7% ва 40; 33,9%, $P>0,05$). МИ билан зарарланган беморларда нисбатан тез-тез тахипноэ (97; 82,2%) кузатилиб, бу аломат катталар орасида (66; 55,9%) болаларга (31; 26,3%) нисбатан кўпроқ қайд этилди (2 баробар). Ҳам катталар, ҳам болалар учун тахикардия хос бўлди (болаларда – 1 дақиқада 100 зарбадан кўп 37; 31,4% ҳолатда, катталарда 90 зарбадан кўп 31; 26,3% ҳолатда, $P<0,05$).

Оғир кечувчи менингококк инфекциясида бемор шифохонага келиб тушгандаги объектив кўрикда 88,9% беморда геморрагик тошма аниқланди, бунда катталарда 91,8% (45 бемор), болаларда 85,4% (35 бемор) тошма бор эди, лаб-бурун учбурчагининг цианози МИ оғир кечган 52 (57,8%) беморда қайд этилди, уларнинг кўп қисмини катталар (39; 43,3%) ташкил қилди, болаларда ушбу симптом 3 марта камроқ учради (13; 14,4%). Тана ҳароратининг 38°C гача ошиши 50 (55,6%) беморда қайд этилди, уларнинг катта қисми болаларга хос бўлиб (29; 32,2%), катталарда камроқ бўлди (21; 23,3%). $38,0^{\circ}\text{C}$ - $39,5^{\circ}\text{C}$ 8 болада (8,9%) ва 5 катта одамда (умумий гуруҳдан 5,6%) кузатилди. Гипотония ҳам нисбатан тез-тез учраб турди (65; 72,2%), ва у болаларда (39; 43,3%) катталарга нисбатан (26; 28,9%) кўпроқ қайд этилди, барча беморларда (100%) тилнинг қуруқлиги ва 48 беморда (53,3%) томоқ гиперемияси учраб, у болаларда (32; 35,6%) катталарга (16; 17,8%) нисбатан 2 марта кўп қайд этилди.

Ўта оғир кечувчи менингококк инфекциясида бемор шифохонага келиб тушгандаги объектив кўрикда 95,2% бемор терисида тошма аниқланди, бунда катталарда 92,3% (12 бемор), болаларда 100% (35 бемор) тошма бор эди. Лаб-бурун учбурчагининг цианози МИ ўта оғир кечган 20 (95,2%) беморда қайд этилди, уларнинг кўп қисмини катталар (13; 100%) ташкил қилди, болаларда ушбу симптом камроқ учради (7; 87,5%). Тана ҳароратининг 38°C гача ошиши 15


(71,43%) беморда қайд этилди, уларнинг 7 ҳолати (33,3%) болаларга хос бўлиб, катталарда 8 (38,1%) учради. 38,0⁰-39,5⁰С 1 катта одамда (4,8%) кузатилди. МИ ўта оғир кечган барча болалар (8; 38,1%) ва 8 та катталарда (61,5%) тахикардия қайд этилди. Гипотония ҳам нисбатан тез-тез учраб турди (18;85,7%) ва у ҳамма болаларда (8;100,0%) ва 76,9% (10) катталарда аниқланди, 18 (85,7%) беморларда тилнинг қуруқлиги ва 6 беморда (28,6%) томоқ гиперемияси учраб, у болаларда (2; 9,5%) катталарга (4; 19,05%) нисбатан камроқ қайд этилди.

МИ ташҳисоти беморларда юзага чиқадиган инфекциялар учун умумий бўлган мия, менингеал аломатлар, экзантемалар асосида амалга оширилишини ҳисобга олган ҳолда кузатувимиздаги беморларда ўчоқли белгилар бор ёки йўқлигини таҳлил қилдик.

МИ билан зарарланган беморларнинг оғирлик даражасига кўра ўчоқли симптомларнинг қиёсий таҳлили 68,9% (62) беморларда мушак гипотонияси борлигини кўрсатади, булар оғир ҳолдаги катталар (32;35,6%) ва болаларнинг (30; 33,3%) катта қисмида ва ўта оғир ҳолдаги 12 (57,1) катталарда ва 4 (19,1%) болаларда юзага чиққан.

Кузатувдаги МИТШ беморларда асоратларнинг учрашини таҳлил қилдик. Қуйида келтирилган 7 расмда кўришиб турибдики, МИ билан зарарланган беморларда энг кўп учрайдиган асорат – мия шиши ва ДВС синдром бўлди (тегишлича 36,0±0,57% ва 76,6±0,83%), шу билан бирга ўта оғир аҳволдаги беморларда 85,7±2,01% ҳолларда асосан 3 даражали мия шиши (47,6±1,50%) ва 100,0±2,17% ДВС синдром аниқланган бўлса, кузатувимиздаги оғир шаклдаги МИ билан зарарланган беморларда мия шиши 24,4±0,52% ҳолларда, улардан асосан 1 даражали шиш (14,4±0,40%), ҳамда 71,1±0,89% ҳолларда ДВС синдром аниқланди.

Инфекцион-токсик шок (ИТШ) ўта оғир шаклдаги МИ билан зарарланган беморлар гуруҳида ишонарли даражада устунлик қилди (26,7±0,54% оғир ҳолатдаги беморларга нисбатан 57,1±1,64% бўлди). Бунда кўпроқ 3 даражали ИТШ учради (38,1±1,34%), аммо оғир ҳолатдаги беморларда 1 даражали ИТШ ишонарли равишда кўпроқ кузатилди (23,3±0,51%) (7 расм).



Изоҳ: *- P<0,05 турли оғирлик даражасидаги беморлар кўрсаткичларининг таққослашдаги тафовути статистик жиҳатдан ишонарли

7-расм. Кузатувдаги МИ беморларда кузатилган асоратлари бўйича тақсимланиши

WF синдроми беморларимиз орасида фақат ўта оғир шаклдаги МИ билан зарарланганлар орасида учради (28,6±1,16%). Токсик нефрит ёки нефропатия кўринишидаги буйракдаги асоратлар ҳам ўта оғир аҳволдаги беморларда (85,7±2,01%) оғир аҳволдагиларга (8,9±0,31%) нисбатан кўпроқ учради (P<0,05). Шунга ўхшаш манзара токсик миокардит (тегишлича 57,1±1,64 ва 11,1±0,35%) ҳамда мия комасига ҳам (тегишлича 23,8±1,06 ва 6,7±0,27%) тааллуқли бўлди (P<0,05). Шунини таъкидлаш лозимки, мия комаси асосан 2-3 даражали кома сифатида юзага чиқди.

Худди шу каби тенденция МИ нинг ўткир буйрак етишмовчилиги (ЎБЕ) (тегишлича 23,8±1,06 ва 1,1±0,11%), энцефалит (тегишлича 38,1±1,34 ва 1,1±0,11%) каби асоратларга ҳам тааллуқли бўлиб, булар ўта оғир аҳволдаги беморларда ишонарли даражада кўпроқ учради.

Беморларда энг кам учраган асоратлар – артрит, юз нервнинг неврити, отит бўлди. Бунда МИ ўта оғир шакли билан зарарланган беморлар гуруҳида ушбу асоратларнинг учраши касаллик оғир шаклда кечган беморлардагига нисбатан 2 баробар юқори бўлди.

